

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

JOFS

6-CON

ИЮНЬ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

Journal of Fundamental Studies

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 6-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-6

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-6

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-6>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-ўй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Юридик фанлар

ЯКУБОВ Шерзодбек Худайбердиевич

*Ички Ишлар Вазирлиги Академияси Магистратурасининг II даражадаги
«Ташкилий-тактик бошқарув» мутахассислиги магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8001023>*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИГА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАРИХИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тушунчаси, ахборот коммуникация технологиялари тушунчаси, вужудга келиш тарихи, ахборот коммуникация технологияларининг ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимига жорий этилиш тарихи, мурожаатларнинг турлари, электрон мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда амалиётда учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ахборот коммуникация технологиялари, ариза, шикоят, таклиф, электрон мурожаат, жисмоний ва юридик шахслар.

ЯКУБОВ Шерзодбек Худайбердиевич

*II степень магистра Академии МВД
Магистрант по специальности» организационно-тактический менеджмент"*

ИСТОРИЯ ВНЕДРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПО РАБОТЕ С ЗАЯВЛЕНИЯМИ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрено понятие обращений физических и юридических лиц органов внутренних дел, понятие информационно-коммуникационных технологий, история их возникновения, история внедрения информационно-коммуникационных технологий в систему работы с органами внутренних дел. обращений физических и юридических лиц органов внутренних дел, виды обращений, порядок приема и рассмотрения электронных обращений, даны предложения и рекомендации относительно проблем, возникающих на практике, и пути их решения при рассмотрении обращений физических и юридических лиц.

Ключевые слова: информационно-коммуникационные технологии, заявление, жалоба, предложение, электронное заявление, физические и юридические лица.

YAKUBOV Sherzodbek Khudayberdievich*M. degree II of the Academy of the Ministry of Internal Affairs**Master of the specialty "organizational and tactical management"*

HISTORY OF THE INTRODUCTION OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF WORKING WITH APPLICATIONS OF INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES.

ANNOTATION

This article discusses the concept of appeals of individuals and legal entities of internal affairs bodies, the concept of information and communication technologies, the history of their occurrence, the history of the introduction of information and communication technologies in the system of work with internal affairs bodies. appeals of individuals and legal entities of the internal affairs bodies, types of appeals, the procedure for receiving and considering electronic appeals, suggestions and recommendations are given regarding the problems that arise in practice, and ways to solve them when considering appeals from individuals and legal entities.

Key words: information and communication technologies, application, complaint, proposal, electronic application, individuals and legal entities.

Мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан буён инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Инсон, унинг шаъни ва кадр-қиммати юртимизда олий кадрият даражасига кўтарилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлик ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш принципларининг мустаҳкамлаб қўйилганлиги муҳим ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, шахснинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ва самарали ҳимоя қилинишида муҳим омиллардан биридир. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Демак, шахслар давлат органларига мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга эришадилар. Бунинг учун давлат барча имкониятларни яратиб беради.

1994 йил 6 майда қабул қилинган “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Конституциямизнинг ҳуқуқий механизмини таъминловчи ҳамда давлат томонидан фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқароларнинг фаоллигини кафолатловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида намоён бўлди.

Юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар натижасида, 2017 йил 11 сентябрда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Унинг мақсади – фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштиришдан, шунингдек, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришдан иборат.

Замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланиб, электрон мурожаатларни киритиш имкониятининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ушбу қонуннинг муҳим жиҳатидир. Умуман олганда, ушбу ҳужжатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари мавжуд. Қонуннинг қабул қилиниши давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

Ички ишлар органларида Мурожаатлар институтининг шаклланиши ва ривожланишини ёритишда, аввало, “мурожаат” тушунчасига аниқлик киритиб олиш керак.

Изоҳли луғатларда мурожаат деганда, кўриб чиқиш, таққослаш, солиштириш, бирор нарса сўраш, ишни қайта кўриш, бировга қарата айтилган гап, қилинган даъват, чақириқ ва шу кабилар тушунилиши, мурожаат қилмоқ деганда эса, бирор иш, илтимос, чақириқ ва шу кабилар билан бировга қарата оғзаки ёки ёзма сўз айтмоқ тушунилиши баён этилган [1].

Юридик адабиётларда эса, “мурожаат” умумлашма тушунча бўлиб, фуқароларнинг бевосита ўзи мурожаат этиши, шунингдек, давлат органларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига яқка тартибдаги ва жамоавий мурожаатларни юборишда ифодаланган конституциявий ҳуқуқ тушунилади [2].

Такидлаш лозимки мурожаат қилиш тушунчаси, унинг белгилари юзасидан бугунги кунга қадар миллий ва халқаро методологик ва қонуний нуқтаи назардан ягона ёндашуви мавжуд эмас. Жумладан, С.В.Васильева мурожаатларга давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан аҳолининг алоқаларини мустаҳкамлаган ҳолда шахс ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш воситаси деб таъриф беради [3].

Бунда муаллиф мурожаатнинг иккита муҳим белгисига урғу беради, яъни мурожаатлар, бир томондан, давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилишда зарур бўлган ахборот манбаи ҳисобланса, бошқа томондан, фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиши қафолатларининг муҳим шакллари билан бири саналади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда мурожаатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш (*ариза*), тиклаш ва ҳимоя қилиш (*шикоят*) ҳамда давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш (*таклиф*) мақсадида амалга оширилиши норматив жиҳатдан тан олинган.

Мурожаатлар давлат идоралари ва аҳоли ўртасидаги ўзаро, икки томонлама алоқаларни ўрнатиш воситаси бўлиб, улар давлат фаолиятида доимо зарур бўлади. Зеро, мурожаатлар бир вақтнинг ўзида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, ахборот (маълумот) олиш канали ҳамдир. Улар орқали ҳокимият ижтимоий муаммолардан хабардор бўлиб туради. Инсоният таракқиётида мурожаатларни кўриб чиқишни тартибга солиш бўйича катта тажриба тўпланган бўлса-да, ҳали уларнинг фуқаролик жамиятини ҳокимиятга таъсир ўтказишини аниқлаш воситаси сифатидаги роли охиригача англаб етилгани йўқ.

Тарихий нуқтаи назардан қараганда мурожаат қуйи тоифадаги одамнинг юқори лавозимдаги шахсга сиқувлардан ҳимоя сўраб ёки мурувват сўраб қилган илтимосномаси деб баҳолаш мумкин. Бундай ёндашув ўта қадим замонлардан то қонунчиликда “шахснинг ажралмас ҳуқуқлари” деган тушунча пайдо бўлгунча, яъни XVIII асрнинг охирига қадар сақланиб келинди. Мурожаатни кўриб чиқиш ҳокимиятнинг илтифоти, муруввати, деб қабул қилинган, уни қаноатлантириш эса – монархнинг раҳмдиллиги ёки адолатпарварлиги, деб баҳоланарди.

Турли сиёсий-фалсафий трактатларда, “насихатномаларда” ва бошқа асарларда мурожаатларни ўз вақтида ва адолатли кўриб чиқиш ҳокимият эгасининг мажбурияти, одил ҳукмдорнинг хислатларидан бири деб изоҳланган. Шарқнинг буюк алломалари ва мутафаккирлари – Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур кабилар жамият ва ҳокимиятнинг муштарак бирлиги, уларнинг ўзаро муносабатларининг аҳамияти тўғрисида гапирганлар [4].

Қадимги Римда суд қарорлари устидан шикоятнинг бир қатор турлари вужудга келди, масалан: “*provocasi ad populum*”, яъни халқ ҳимоячиларига, халқ мажлисига ва трибунларга апелляция тарзидаги мурожаат, улар масалага бевосита аралашиб ҳуқуқига эга бўлган – “*jus intercessionis, jus auxilij*” [5].

Бу вазиятда мурожаат энди юридик табиат касб этади, чунки тегишли субъектларнинг фаолияти юридик нормалар билан тартибга солина бошлади. Ушбу нормалар шикоят берувчининг имконияти ва зарурий хатти-ҳаракатлари, устидан шикоят қилинаётган субъектлар ва шикоятни кўриб чиқувчи органлар доирасини белгилайди.

Шунингдек, шикоятнинг предмети ишни кўриш жараёнидаги қоида бузилишларига оид судьяларнинг хатти-ҳаракатини аниқ белгилаб беради. Бундан ташқари, судьяларнинг қарорларини ноқонуний деб топишнинг асослари ҳам норматив тарзда мустаҳкамланди. Бундай асосларга қуйидагилар киради: *metus* – қасамёд келтирган судья ишни қандай таҳдид ёки босим таъсирида ҳал қилган; *dolus* – алдов ва қалбакилаштириш, судьяни сотиб олиш, ишни қалбаки ҳужжатлар асосида ҳал этиш ва ҳ.к.

Давлат органларининг хатти-ҳаракати устидан шикоят бериш аста-секин янги усул ва турлар билан бойиб борган. Фаолияти шикоят қилинадиган субъектлар хатти-ҳаракати тобора юридик қоидалар билан камраб олинди, тартибга солиб борилган. Шикоят тушунчасининг ўзи ҳам маъно жиҳатдан такомиллашиб борган: энди гап лавозимли шахсдан ёрдам ва паноҳ сўраш хусусида эмас (қадимги шарқ давлатларидаги сингари), балки масалани мазмунан кўриб чиқиш мажбурияти ҳақида, зарур бўлса ишни қайтадан кўриб чиқиш асосида уни маъқуллаш ёки аввалги қарорни бекор қилиш хусусида бормоқда. Бунда ҳар бир юридик аҳамиятли хатти-ҳаракат расмий ҳужжатлаштирилган шаклга эга бўлган [6].

Ғарбий Европа халқлари томонидан Рим ҳуқуқини рецепция қилиш натижасида шикоят келтириш усулининг Европадаги аксарият ҳуқуқий тизимларга сингиб кетишига олиб келди. Бироқ бу тарқалиш механик тарзда эмас, балки халқларнинг миллий хусусиятлари таъсирида шикоят қилиш юридик фаолиятнинг алоҳида тури сифатида янги мазмун касб этди ва эволюцион ривожланди.

Замонавий мурожаат қилиш ҳуқуқининг ватани Буюк Британиядир. Унинг ҳудудида илк бор мурожаат қилиш петиция бериш ҳуқуқи шаклида юридик жиҳатдан мустаҳкамланган. Петиция фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ягона шакли эмас. Бироқ у энг самарали шакллардан бири бўлиб, конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан қараганда алоҳида шахснинг ёки аҳоли гуруҳларининг олий ҳокимият органи – монархга ёки қонун чиқарувчи мажлисга маълум қонунини қабул қилиш ёки муайян фавқулодда чора кўриш борасидаги мурожаат тури тушунилади [7].

XVII асрдаги инглиз революциялари давомида эълон қилинган петиция ҳуқуқи XVIII асрдаги Буюк француз революцияси томонидан қабул қилиниб, қонуний равишда мустаҳкамланди. 1789 йилда тузилган Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари декларацияси лойиҳасида петиция ҳуқуқи “фаол фуқаронинг бошқарув ва маъмурий масалалар бўйича қонунчилик корпусига, Қиролга ва маъмурият вакилига таклифлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи” деб тан олинди. 1791 йил 3 сентябрдаги Конституцияда фуқароларнинг ҳокимият органларига мурожаат этиш табиий ҳуқуқи ва фуқаровий эркинлиги сифатида мустаҳкамланди.

Чор Россияда 1810 йилда Давлат Кенгаши таркибида комиссия ташкил этилиб, у уч турдаги мурожаатларни: шикоят, марҳамат ва мукофот сўраш, лойиҳалар тақдим этиш масалаларини кўриб чиқарди. Манифестда белгиланишича, қуйидаги рўйхатдаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди: рад этилган мурожаат такроран берилса; кучини йўқотган қарорлар юзасидан берилган шикоятлар; аноним мурожаатлар [8].

Бу комиссия асосида 1890 йилда Император Канцелярияси ташкил топди ва унинг номига йўлланган илтимосномаларини кўриб чиқиш тартиби тасдиқланди. Низомда кўриб чиқилиши мумкин бўлган ва кўриб чиқилмайдиган мурожаатлар рўйхати белгиланди. Аризачилар тамға божидан озод этилди. Аризачиларни ишнинг ҳолатидан хабардор қилишнинг мажбурий тартиби, шикоятни батамом кўриш ёки тегишлилиги бўйича бошқа инстанцияга юбориш мажбурияти мансабдор шахслар зиммасига юкланди. Николай II нинг 1905 йилдаги Фармони билан илтимоснома йўллашнинг табақа – вакиллик тартиби бекор қилинди.

Мурожаатлар институтига оид дастлабки ҳужжат Бутун Россия Советлар VI съездининг 1918 йил 8 ноябрдаги “Қонунларни аниқ ижро этиш тўғрисида”ги қарори бўлди. Бу қарор билан барча мансабдор шахслар ва Совет давлатининг идоралари мурожаатларни қабул қилиб олишга мажбур эканлиги, уларнинг хатти-ҳаракатлари, сансалорликлари, фуқароларга зарар етказишлари қонун билан жазоланиши белгиланди.

Тахминан шу даврларда “Темир йўл қабулхонаси” деган амалиёт йўлга қўйилди. Бунинг моҳияти шундаки, темир йўлда поездларда Советларнинг олий раҳбарлари, БМИК Раиси мамлакат бўйича қатнар эдилар. Станцияларда тўхтаганда, улар аҳолидан ёзма мурожаатларни йиғиб келувчи “ходоклар”ни қабул қилганлар (ходоклар - аҳолидан ёзма мурожаатларни йиғиб келувчилар – С.Ю.). Мурожаатларнинг бир қисми жойида шу поездда кетаётган халқ комиссариятларининг инструкторлари томонидан тезкор тарзда кўриб чиқиб ҳал этилар эди.

Ўзбекистон Республикасида 1992 йилда Конституция қабул қилинган, у асосида фуқароларнинг мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқи комплекс институт сифатида шакллана бошлади. 1994 йил 6 майда “Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун фуқаролар мурожаатлари институтини ҳуқуқий тартибга солиш механизмида асосий пойдевор бўлиб хизмат қилди. Қонун чиқарувчи парламент бу соҳадаги амалиётни умумлаштириб, 2002 йил 13 декабрда юқоридаги қонун ҳужжатини янги таҳрирда қабул қилди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини жиддий таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мурожаатлар институтини янада такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқиб, 2014 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. 2017 йил 11 сентябрда эса бу қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги *«Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги ПФ-5005-сонли Фармони қабул қилиниб, ушбу Фармоннинг асосий мақсади ИИОнинг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш ҳисобланади.

Мазкур фармонда кейинги йилларда ИИО фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар қаторида «Ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга етарлича эътибор берилмаслик, бефарқлик, ишга юзаки муносабатда бўлиш ва расмиятчилик, аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятининг пастлиги, оқибатда бундай вазиятдан норози бўлган фуқаролар юқори ташкилотларга шикоят қилаётганлиги» ҳақида алоҳида таъкидланади.

Фармонда ИИОни аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал хизматга айлантириш зарурлиги, «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» ҳар бир ходимнинг асосий хизмат бурчи эканлиги қайд этилди. Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида илғор хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда халқаро стандартлар асосида ички ишлар органларида энг сўнгги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш ишлари ташкил этиш ишлари бошланди.

Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш фаолиятига ахборот коммуникация воситаларини жорий этиш этилиши тўғрисида гапиришдан олдин ахборот нима, ахборот коммуникация воситалари деганда нималар тушунилиши улар қачон вужудга келганлиги ҳақида сўз юритсак.

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари, «рақамли», «рақамлаштириш», «электрон ҳуқумат» сўзларини кўп ишлатамиз. Фаолиятимиз, яшаш тарзимиз шу сўзлар билан ҳамоҳанг бошланмоқда. «Рақамли телевидение», «рақамли иқтисодиёт», «аграр соҳани рақамлаштириш», «ахборот тизими», хуллас, бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид сўз ва атамаларнинг маънолари қандай маъноларни англатади[9]:

«Ахборот сўзи» бу иш воқеа ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот.

«Технология» сўзи юнонча *techne* — санъат, моҳирлик - саноат, қурилиш, транспорт, кишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда маҳсулотлар олиш, уларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш усуллари тартибга солинган тизим;

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос Технологияси бўлади: машинасозлик Технологияси, қурилиш Технологияси, қишлоқ хўжалиги. Технологияси ва бошқалар [10].

«**Коммуникация**» сўзи лотинча communication – communicare – умумий қилмоқ, боғламоқ, жамлаш, («хабар», «маълумот», «фикр», «ахборот алмашиш», «алоқа қилиш») каби маъноларни билдиради [11].

«**Интеграция**» сўзи лотин тилидаги “integratio” сўздан олинган бўлиб, «қайта тиклаш», «тўлдириш», «боғлаш, улаш» маъноларини билдиради. Электрон давлат хизматлари кўрсатадиган бир ташкилотнинг ахборот тизимини иккинчи ташкилотнинг ахборот тизимига интеграция қилиш, дегани [12].

«**Интерактив давлат хизматлари**» деган тушунча ҳаётимизга сингиб бормоқда. Бу ердаги «**интерактив**» сўзи «ўзаро ёки бир-бирига таъсир қиладиган, таъсир кўрсатувчи» деган маънони билдиради. Шундан келиб чиқиб, «ўзаро мувофиқлаштирилган (ёки бирлашган) давлат хизматлари» дейилади [13].

«**Мобил алоқа хизматлари**» бу сўз инглиз тилидаги “mobile” сўздан олинган бўлиб, «ҳаракатчан», «чаққон», «кўчма», «ўзгарувчан», «беқарор» деган маъноларни билдирар экан. Баъзи манбаларда унинг маъноси одамлар ўртасидаги алоқани таъминлаш учун фойдаланиладиган мўъжаз симсиз телекоммуникация қурилмасини англатиш билан бирга, уяли телефон билан адаштирмаслик зарурлиги қайд этилган [14].

«**Абонент**» сўзини ишлатаётганимизга ҳам анча бўлди. Бу сўз ўзбекчадек туюлади. Яъни, тилимизга ўзлашишга улгурган. Аслида француз тилидаги “aboner” сўздан олинган бўлиб, «обуна бўлмоқ» деган маънони билдиради. Ўзбек тилида эса уни «мижоз», «фойдаланувчи» дейиш мумкин [15].

«**Виртуал**» сўзи инглиз тилидаги сўз бўлиб, унинг бир маъноси «кўринмас» демакдир, бу сўзни кўпинча алоқа маъносида ишлатамиз [16].

Айтганларимиз ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳамда рақамлаштириш жараёнида тилимизда юзага келган, келаётган ёки келиши мумкин бўлган баъзи жиҳатлар холос. Жадал тараккиёт замонида бу каби ҳолатлар барча соҳада учраши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 21 март қарори талабларини бажариш, шунингдек электрон шаклда маълумотларнинг тўлиқ айирбошлашни, сўровларни расмийлаштириш тартибларини жадаллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасининг «Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисида Низом» тасдиқланган. Низомда «Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал)» тушунчасига таъриф берилган, шунингдек ягона порталнинг мақсади ва вазифалари, мурожаатларни бериш ва ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-қоидалар ўз аксини топган.

Жумладан, фойдаланувчи ўз мурожаатига мурожаат шакли тўлдирилганда кўрсатилган почта манзилига электрон шаклда ёхуд ёзма равишда жавоб олиш турини танлаш имкониятига эга.

Шахсий кабинетдан мурожаат олингандан кейин уни кўриб чиқиш ишлари ёзма мурожаатлар учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Мурожаатларни кўриб чиқишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари расмий сайтларида виртуал қабулхоналарини ташкил этилди, яъни бунда электрон ахборот тизими мавжуд бўлиб, у мурожаатларни бериш, рўйхатдан ўтказиш, электрон мурожаатларни тизимлаштириш ва уларни кўриб чиқиши устидан назорат ўрнатиш имконини беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги № 4904-сонли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Халқ қабулхоналари тизими, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилди. Маълумки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасининг янги версияси фаолият юритмоқда. У фуқароларга Интернетнинг pm.gov.uz манзилидаги веб-сайт орқали давлат органлари раҳбарларига мурожаат қилиш имконини яратди. Бу тизим фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари билан ишлаш самараси ва шаффофлигини оширди, мурожаатларнинг ягона базаси ва ишлаб бериш тизимини ташкил этди. Шу боис 2018 йил 25 февралдан барча давлат органларининг виртуал қабулхоналари ўз фаолиятини тугатди [17].

Мазкур фармонда кейинги йилларда Ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар қаторида «Ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга етарлича эътибор берилмаслик, бепарқлик, ишга юзаки муносабатда бўлиш ва расмиятчилик, аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятининг пастлиги, оқибатда бундай вазиятдан норози бўлган фуқаролар юқори ташкилотларга шикоят қилаётганлиги» ҳақида алоҳида таъкидланади.

Фармонда Ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал хизматга айлантириш зарурлиги, «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» ҳар бир ходимнинг асосий хизмат бурчи эканлиги қайд этилди.

Шунингдек Фармонда ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаганлиги, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолаётганли, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаётганлиги ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқиладиганлиги, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаётганлиги, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилиши фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқараётганлиги каби салбий ҳолатлар санаб ўтилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак Ички ишлар органларининг фуқаролар билан муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишни, одамлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйишни, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаш ва инсон манфаатларидан келиб чиқиб ишлаш лозимлигини тақозо этади. Ички ишлар органларининг зиммасига ҳар бир мурожаатни қонун ҳужжатларига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш, соҳавий хизмат йўналишлари бўйича мурожаатлар кўриб чиқиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти биринчи бўлиб электронлаштирилиб замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда уларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш каби вазифаларни юкланган.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.2. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 645 бет.
2. Юридическая энциклопедия. / отв. Ред. Б.Н.Топорнин. – М.: Юрист, 2001. – С. 640.
3. Васильева С.В. Право граждан и организаций на обращение: нормативная модель и практика реализации. // Законодательство и экономика. – 2005. – № 5. – С. 42.
4. Фозилов У.Э. Ахлоқий ва ҳуқуқий маданият уйғунлиги – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асоси // Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 21 ноябрь). – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 99 – 100.
5. Малышев К.И. Курс гражданского судопроизводства. - СПб., 1875. Т 2. - С. 168.
6. Радачинский Ю.Н. Обжалование действий и решений государственных, муниципальных органов и должностных лиц как вид юридической деятельности: автореф. дис. канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2002. – С. 14-16.
7. Миронов М.А. Власть и народ: обратная связь, М., 1999, с. 10-21.
8. Российское законодательство X-XX веков, т. 6.-М., 1998, с. 72-74.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.1. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 345 бет.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.8. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 510 бет.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.10. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 345, 510, бет.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.15. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 480, бет.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.17. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 455 бет.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.7. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 341 бет.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.17. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 551 бет.
16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.9. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 71, бет.
17. <https://pm.gov.uz/ru/lists/view/27-мурожаатсанаси> 2018 йил 27 феврал, кириш режими – эркин.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 6-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-6

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-6

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz